

8-10-2019

STUDY OF SOCIAL COMPETENCE IN PSYCHOLOGICAL RESEARCH

Dilafuz Dadamirzayevna Oribboyeva

Lecturer at the Department of Pedagogy and Psychology, NamSU

Hilola Adhamjon qizi Yoqubjanova

NamDu Pedagogical faculty Pedagogy and psychology direction PP 52-16 group student

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Oribboyeva, Dilafuz Dadamirzayevna and Yoqubjanova, Hilola Adhamjon qizi (2019) "STUDY OF SOCIAL COMPETENCE IN PSYCHOLOGICAL RESEARCH," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 4 , Article 76.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss4/76>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

STUDY OF SOCIAL COMPETENCE IN PSYCHOLOGICAL RESEARCH

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ИЖТИМОИЙ КОМПЕТЕНТЛИК МУАММОСНИНГ ИЛМИЙ ЎРГАНИЛГАНЛИГИ.

Ориббоева Дилафруз Дадамирзаевна

НамДУ Педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси

Ёқубжонова Хилола Адхамжон қизи

НамДУ Педагогика факултети педагогика ва психология йўналиши РР 52-16 гуруҳ
талабаси

Аннотация Ушбу мақолада хориж психологларининг ижтимоий компетентлик борасидаги назарий ва амалий изланишлари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: компетентлик, ижтимоий компетентлик, тарбияловчи омилар, ҳаётий муаммолар, установкалар, билимлар, ижтимоий қадриятлар, рақобат

ИЗУЧЕНИЕ СОЦИАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ В ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ

Ориббоева Дилафруз Дадамирзаевна

Ёқубжанова Хилола Адхамжановна

Аннотация В статье рассматриваются научные и практические взгляды зарубежных психологов по вопросам социальной компетентности.

Ключевые слова: компетенция, социальная компетенция, воспитывающие факторы, знания, установки, социальная ценность, конкуренция

STUDY OF SOCIAL COMPETENCE IN PSYCHOLOGICAL RESEARCH

Oribboyeva Dilafruz Dadamirzayevna

Yoqubjanova Hilola Adhamjon qizi

Abstract. This artikl is described that the scientific theoretical concept on the foreign psychologists on social competence.

Key words: competence, social competence, educational factors, social value, competition

Президентимиз томонидан барча соҳада рақобатбардош кадрларни тайёрлаш масаласининг илгари сурилиши ҳамда ушбу кадрларни жаҳон ва замонталабларига мос, касбий фаолият учун зарурий сифат ва фазилатларни эгаллаган ҳамда педагогик-психологик компетентлигини такомиллаштириш масаласи бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади. Айни пайтда, барча соҳа вакилларининг ижтимоий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган таълим сифатини ва воситаларини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Ижтимоий компетентликни биз шахсининг ижтимоий соҳада ва хусусан яхлит ривожланиш имконияти сифатида кўриб чиқадиган бўлсак, шундай хулосага келиш мумкинки, таълим муассасалари тарбия соҳаси инсоннинг субъектли ўз имкониятларидан фойдаланиш, ижтимоий компетентлигини ривожлантириш каби ижтимоий хулқ атворини шакллантириб беради. Айнан шу қонуният тарбия соҳасида ижтимоий компетентликни шакллантириш жараёнида катта аҳамиятга эга

Мактаб таълим ва тарбия ўчоғи сифатида “жамият буюртмасини ҳаётга ўтказди – ушбу замон, жамият талабларига мос инсонни шакллантиради, ўстиради, ёш авлодни улар яшайдиган ва ишлайдиган жамият талабларини эътиборга олган ҳолда ўқитади ва тарбиялайди” Бугунги кунда таълим муассасалари олдига қўйиладиган мақсадлардан бири: ижтимоий компетентликнинг юқори даражасини шакллантириш учун керакли шароитларни яратиш, ижтимоий психология, педагогика, метод ва усуллари танлаш ҳисобланади. Бундай шарт-шароитларни таълим муассасаси тарбия соҳаси имкониятларидан фойдаланиб яратиш мумкин, тарбияда эътиборни фақатгина болаларга эмас, балки уларни ўраб турган шароитига, яшаб турган атроф-муҳитига ҳам қаратиш керак.

Компетентлик – бу бирор соҳада самарали фаолият юритиш учун зарурий тажриба ва керакли билимлар, компетенциялар тизимидир. Шахс компетентлиги муайян тузилмага эга бўлиб, унга турли соҳаларда зарурий муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ мустақил билиш, ижтимоий-фуқаролик, ижтимоий-меҳнат, маданий-хордиқ каби компонентлар киритилади.

Педагогика ва ижтимоий психологияда “ижтимоий компетентлик” тушунчасини коммуникатив нуқтаи назардан ўзгарган А. Кидрон ижтимоий компетентликни зарурий муомала фани сифатида таърифлаб ижтимоий компетентлик хусусиятлари сифатида мулоқот ўрната билиш, киришимлилик, гапга чечанлик, ишонтира олувчилик, муҳокамага тайёрлик, ўзини ушлай билишлик ва бошқа психологик реакцияларда кўзга ташланишини тушунтириб берган.

Е.В.Коблянскаянинг фикрича ижтимоий компетентлик – “... бу шахсий сифат бўлиб - кишининг ижтимоий нормалар билан боғлиқ ушбу жамият аъзоси сифатидаги меҳнат фаолиятидир, бунда жамият ҳаёти унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро алоқани тартибга солади” ҳамда ижтимоий компетентликни “Мен” муносабатини тушуниш - жамият, тўғри ижтимоий йўналишни танлай олиш, ушбу йўналиш бўйича ўз фаолиятини ташкил этишга имкон берадиган вазият сифатида қўриб чиқади. [5, 210 б.].

М.И.Рожковнинг фикрича, “... индивид қанчалик ижтимоий ташкилот элементи бўлиб шаклланса, ижтимоий муносабатлар тизимида вазифаларни амалга ошира олиши ҳамда ижтимоий аҳамият тизимини ўзлаштиришига қараб жамиятга киритилади” [8] чунки таълимнинг асосий вазифаси маданият, ижтимоий нормалар ва қадриятларни ўзлаштириш асосида жамиятга тез киришиб кета оладиган инсонларни тарбиялашдан иборат

Немис психологлари У.Пфлингстен ва Р.Хинтч ижтимоий компетентликни когнитив, ҳиссий ва ҳаракатлантирувчи хулқ атвор усуллари сифатида тушинтириб, улар маълум бир вазиятларда яхши ва ёмон аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтадилар. Г.Спивак ва М.Шаре ижтимоий компетентликни кўплаб шахслараро муаммоларни ўзаро ҳал этиш кўникмалари мажмуи сифатида таърифлаган бўлсалар М.Аргайле “умумий ижтимоий компетентлик” тушунчасини касбий ва коммуникатив компетентлик билан бирлаштиради, уларни биргаликда кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблайди.

Н.В.Калининнинг фикрича, кишининг ижтимоий компетентлиги – зарур психологик янгилик бўлиб, ёшга доир кризис вақтидаги муаммоларни конструктив

ва ҳал қилиш имконини беради [5, 146-148]. Шунингдек олим ижтимоий компетентликни таълим муассасалари томонидан жамият, давлат талабларини бажарилиши билан боғлайди, уни фаолият кўрсаткичисамарадорлиги сифатида ҳисоблайди. Хусусан, муаллиф шундай ёзади: "Ижтимоий компетентликни ижтимоий фаолиятни амалга оширишни таъминловчи билим ва кўникмалар, масъулиятни ўзига олиш билан боғлиқ шахсий сифатлар севги, ишонч бирлиги сифатида таърифлайди ва ёш мактаб ўқувчисининг ижтимоий компетентлиги модели сифатида қуйидагиларни кўрсатади:

-ўқув фаолиятидамақсадга эришиш мотивациясининг шакланганлиги; -ўқув фаолияти самарали усуллари ва тажрибаларнинг ривожланганлиги;

- ўз-ўзини назорат қилиш;

-ўз-ўзини тўғрилашнинг шакланганлиги;

-онгли ижтимоий норматив мақсадлар ва қоидаларга раҳбарлик, ижтимоий хулқ-атвор нормаларини ўзлаштириш;

-ўз ишидан қониқиш ҳосил қилиш, ўзига нисбатан юқори баҳо бериш, ўзи ва атрофдагиларга танқидий муносабатда бўлиш;

-тенгдошлари ва катталар билан ўзаро конструктив ҳамкорлик кўникмаларини ўзлаштириш, дўстона алоқалар ўрнатиш;

-қийин ҳаётий вазиятларда конструктив хулқ атвор кўникмаларини шакланганлиши" [4, 146-148 б.].

М.И.Лукьянова ижтимоий компетентликни шахсий шаклланиш сифатида кўриб чиқиб, ушбу феноменни "шахсининг билиш ифодаси сифатида, конструктив ҳамкорликни таъминловчи унинг эътиқоди, муносабати, истаклари, шахсий фазилатлари" сифатида баҳолайди.[6, 240-242 б.].

Бундай ижтимоий компетентлик тушунчаси мазмунига муаллиф қуйидагича қўшимча компонентларни киритади:

➤ мотивацион-қийматли-бу ижтимоий фаолият мақсадларига мотивациянинг шакланганлиги, мақсадга эришиш, ижтимоий ҳамкорлик муносабати, хулқ-атвор нормаларига муносабат билдириш, ижтимоий ва шахсий тартибдаги қадриятлар киради;

➤ тезкор-мазмунли-ўзининг ва бошқаларнинг ҳаракатига танқидий муносабат билдира олиш билим, кўникма ва малакалари бирлиги, мулоқот, бошқаларгатаъсир кўрсата олиш ва уларни амалга ошириш;

➤ ҳиссий-иродали-қарор қабул қила олиш қобилияти, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини тартибга солиш, масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёрлик, иродавийлик, ўз-ўзига ишонч) [6, 240-242 б.].

Ижтимоий компетентликка В.Ш.Масленникованинг тадқиқот ишида қизиқарли таъриф берилган [7, 84-90 б.]. Муаллифнинг фикрига кўра ижтимоий компетентлик ижтимоий борлиқ тушунчасини инсон фаолиятида ижтимоий технологияларни амалга ошира олиш, ўз-ўзини аниқлаш билан бирлаштиради. Натижада бундай компетентликни шакллантиришда ёшларда жамиятдаги турли саволлар ҳақида маълумотга эга бўлиш ва назоратни амалга ошириш кўзда тутилади [7, 84-90 б.]. В.Ш.Масленникова ижтимоий компетентликни уч турга ажратади: индивидуал-шахсий, ижтимоий ва ҳаётий-футурологик.

Юқоридаги фикрларни таҳлил қилиш натижасида ижтимоий компетентлик тушунчасини қуйидагича изохлаш мумкин.

- ижтимоий компетентлик интегратив шахсий сифат ёки ижтимоий ҳамкорлик сифатида талқин этилади;

- ижтимоий компетентлик бир неча фаолиятлар натижасида ёки маълум бир фаолият соҳасидаги шахсий ютуқларсифатида тавсифланади;

- ижтимоий компетентликни шакллантириш мазмуни шахс ёши билан боғлиқ. Турли ёш даврларида ижтимоий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни умумий ва хусусий, шунингдек ўхшаш компонентларга эга.

Ижтимоий компетентлик тарбияланувчилар фаолияти ва тажрибаси асосида қурилади. Шу мақсадда, ўқувчиларда ижтимоий фаолликни ошириш учун шарт-шароитлар яратиш зарур.

Шу маънода, “болаларда ижтимоий кўникма ва ролларни ўзлаштириш учун шарт шароит яратиш, жамиятда ижтимоий-иқтисодий динамикани ҳисобга олиб ижтимоий хулқ-атвор маданиятини ривожлантириш керак” деган таърифга розилик бидириш керак [11, 97 б.].

Бизнинг фикримизча, ижтимоий компетентлик – бу одатий билимлар йиғиндиси эмас, бу инсоннинг ҳаётий муаммолар ва вазифаларни ҳал қилиш имконияти, қундалик вазиятларда тўғри йўл топа олиш, ижтимоий қадриятлар ва шахсий мақсадлардир.

References:

1. Bocharova, V. G. Pedagogika sotsialnoy raboti [Tekst] / V.G.Bocharova. – M. :SvR-Argus, 1994. – S. 207.

2. Zimnyaya I.A., Morozova N.A. Sovremennoe sostoyanie problemi konsepsiy vospitaniya [Tekst] / I.A.Zimnyaya, N.A.Morozova. – YAroslavl: Sovremennie konsepsii vospitaniya, 2000. – S. 171.

3. Ivanova, Yu. V. Razvitie issledovaniy sotsialnoy kompetentnosti v period modernizatsii obrazovaniya [Elektronniy resurs] / Yu. V. Ivanova // Aktualnie problemi obrazovaniya i vospitaniya: mejdunarodniy opit i perspektivi sotrudnichestva: Sbornik nauchnix statey. – 2009. – Rejim dostupa : <http://window.edu.ru/library/pdf2txt/443/67443/40627>

4. Kalinina, N. V. Sotsialnaya kompetentnost shkolnikov kak indikator rezultativnosti deyatelnosti obrazovatelno uchrejdeniya [Tekst] / N. V. Kalinina // Psixologiya innovatsionnogo upravleniya sotsialnimi gruppami i organizatsiyami. – M. – Kostroma., 2001. – S. 146–148.

5. Koblyanskaya, E. V. Psixologicheskie aspekti so-sialnoy kompetentnosti [Tekst] dis. ... kand. psixol. nauk / E. V. Koblyanskaya. – SPb. : SPbGU, 1995. – S. 210.

6. Lukyanova, M. I. Sotsialnaya kompetentnost kak komponent upravlencheskoy kulturi rukovoditelya [Tekst] / M. I. Lukyanova // Psixologiya innovatsionnogo upravleniya sotsialnimi gruppami i organizatsiyami. – Kostroma. – 2001. – S. 240–242.

7. Maslennikova, V. SH. Lichnostnaya kompozitsiya sotsialnogo otnosheniya [Tekst] / V. Sh. Maslennikova // Sovremennie konsepsii vospitaniya. – YAroslavl : Izd-vo YAGPU im. K. D. Ushinskogo, 2000. – S. 84–89.

8. Rojkov, M. I. Sotsialnie probi kak faktor sotsializatsii uchashixsya [Tekst] / M. I. Rojkov // Yaroslavskiy pedagogicheskiy vestnik. – 1994 . – № 1. – S. 16–18.
9. Tixomirova, E. I. Sub'ektnaya samorealizatsiya lichnosti v vospitivayuyemye srede kak uslovie formirovaniya sotsialnix kompetensiy: materiali nauchno-prakticheskoy konferentsii «Traditsii i innovatsii v sotsialnoy pedagogike» [Elektronniy resurs] / E. I. Tixomirova // Trudi sotrudnikov LASS. – Rejim dostupa: <http://www.pgsga.ru/structure/laboratory/trudy/page2.php>
10. Shatskiy, S. T. Pedagogicheskie sochineniya [Tekst] 4 t. / S. T. SHatskiy. – M. : Prosvещение. – 1962–1964. – T. 2. – S. 412.
11. Yasvin, V. A. Obrazovatel'naya sreda ot modelirovaniya k proektirovaniyu [Tekst] / V. A. Yasvin. – 2. izd., ispr. i dop. – M. : Smisl, 2001.. – S. 366.